O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2003 йил 9 январь, №8 (3120) Пайшанба

Эзгулик ва мурувват байрамига тайёргарлик

Вазирлар Маҳкамасида Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирлик, идора ва ташкилотлар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши раисининг, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимларининг ўринбосарлари иштирок этди.

Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, мазкур комиссия раиси Ҳ. Караматов бошқарди.

Наврўз — янгиланиш, яшариш байрамидир. Истиқлол йилларида у халқимизнинг чинакам эзгулик, меҳр-мурувват, хайр-саховат байрамига айланди. Шу боис ушбу айём юртимизда ҳар йили кўтаринки руҳ ва шодиёна билан нишонланади. Байрам тантаналарида халқимизнинг асрлар оша эъзозланиб келаётган миллий қадриятлари ва анъаналари, бугунги кунда жамиятимизда кечаётган янгиланиш жараёнлари бадиий дастурларда акс эттирилади. Мамлакатимизда умумхалқ байрамини муносиб кутиб олишга қаратилган тайёргарлик ишлари бошлаб юборилган.

Анъанага кўра асосий тантаналар пойтахтимизнинг Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида бўлиб ўтади.

Ишчи гуруҳи томонидан бу ерда намойиш этиладиган театрлашган томошалар устида иш олиб борилмоқда.

Ватанимиз ўз мустақиллигининг ўн иккинчи йилига қадам қўйди. Ўтган давр мобайнида эришган ютуқларимиз, Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан эълон қилинган Обод маҳалла йили, мамлакатимизда болалар спортини ривожлантиришга қаратилаётган улкан эътибор ушбу тантаналар дастурида ўзининг ёрқин ифодасини топади. Бу борада санъатнинг турли йўналишлари бўйича ўтказилаётган кўрик-танловлар муҳим аҳамият касб этаётир.

Умумхалқ байрами нафақат пойтахтимиз, балки Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, шаҳар ва қишлоқларда кенг нишонланади. Мажлисда байрам арафасида кам таъминланган, серфарзанд оилалар, ёши улуғ кишилар, меҳнат фахрийлари ҳолидан хабар олиш, уларга яқиндан кўмаклашиш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди. Меҳрибонлик, мурувват уйлари, махсус мактаб-интернатлар ва касалхоналарда турли байрам тадбирлари, кечалар, давра суҳбатлари ташкил этиш лозимлиги уқтирилди.

Мажлисда Самарқанд шаҳрида ўтадиган "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш хусусида сўз борди.

Мустақиллик йилларида миллий мусиқа санъатимизни жаҳонга кенг намойиш этиш имконияти пайдо бўлди. Бу борада давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ўтказилувчи "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали муҳим аҳамият касб этади. Жорий йил истиқлол байрами арафасида ушбу мусиқа фестивали мамлакатимизда тўртинчи марта ўтказилади. Ҳозирданоқ жаҳоннинг кўплаб давлатларидан мусиқашунослар, санъаткорлар, олимлар, мусиқа шинавандалари унда иштирок этиш истагини билдираётир. Бу фестиваль жаҳон миқёсида эътироф этилиб, обрў-эътибор қозонаётганидан далолатдир.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов иштирок этди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

14 январь – Ватан ҳимоячилари куни

ОСМОНИМИЗ САРҲАДЛАРИ ПОСБОНЛИГИДА

Мамлакатимиз Қуролли Кучларининг барча вакиллари каби Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг Ҳарбий ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари жангчилари ҳам аньанавий байрам — Ватан ҳимоячилари кунини муносиб кутиб олмоқда. Ҳарбий ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучларининг шахсий таркиби кундан-кунга ўзининг жанговарлик қобилиятини такомиллаштирмоқда, замонавий мураккаб ҳарбий техника сир-асрорини қунт билан ўзлаштирмоқда, жанговар навбатчилик вазифаларини ишончли адо этмоқда.

Бугунги кунда шавкатли Қуролли Кучларимиз қисмларида тамоман янги, профессионал армияни шакллантириш бўйича ислоҳотлар изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Подполковник Одил Камолов командирлик қилаётган ҳарбий қисм Ҳарбий ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучларида энг яхши ҳарбий жамоалардан ҳисобланади. Мазкур қисм ўтган йил якунлари бўйича жанговарлик ва ижтимоий-сиёсий тайёргарликда фахрли ўринлардан бирини эгаллади. "Ватанни, халқимиз тинчлиги ва осойишталигини ишончли ҳимоя қилиш, ватанпарвар бўлиш, касбий маҳоратни изчил такомиллаштириш, қонунлар ҳамда умумҳарбий низомлар талабларига қатъий риоя этиш — ҳар бир ҳарбий хизматчининг муқаддас бурчи ва мажбуриятидир". Ҳарбий жамоанинг бугунги кундаги шиори ана шундай.

Ҳарбий қисм жамоасининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у жанговар навбатчиликни мунтазам равишда амалга оширади. Бу ерда армия сафига чақирилган кўплаб ёшлар хизмат қилмоқда. Улар зиммасига ҳарбий меҳнатнинг энг мураккаб, машаққатли, лекин фахрли соҳаси тушган. Йигитлар жанговар навбатчилик давомида қисмнинг тажрибали офицер ва сержантлари бошчилигида ўқув машғулотларида муваффақиятли иштирок этаётир.

Ҳарбий қисмнинг дивизион командири подполковник Рашид Гапаров раҳбарлигидаги жангчилари ўтган йил ёзги дала тактик машғулотларида қатнашиб, юксак ҳарбий маҳоратга эга эканликларини яна бир бор намойиш этди. Ҳарбий ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари тарихида ушбу бўлинма биринчи марта жанговар тактик отиш машғулотларини ўтказди ва аъло натижаларга эришди. Дала тактик машғулотлари мустақил мамлакатимиз офицерлари ўз касбий маҳоратларининг ҳақиқий эгаси эканлигини амалда кўрсатди. Кўмондонлик томонидан қўйилган жанговар вазифалар юксак даражада бажарилди.

Ўқув машғулотларида катта лейтенант Асатулла Ҳамроев бошлиқ радиотехниклар батареяси нишонни моҳирлик билан мўлжалга олди.

Қисм бўлинмасининг капитан Ҳабибулла Парпиев бошчилигидаги стартчилар батареяси ўқув машғулотларининг юксак савияда ўтказилишини таъминлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди.

(Давоми 2-бетда).

Республикамизда бозор муносабатларининг шаклланиши ўз навбатида истеъмолчилар ҳуқуқларининг кафолатланиши масаласини кун тартибига қўйди. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 ноябрдаги «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори эса бу йўналишдаги жараённи янада фаоллаштирди.

Истеъмолчилар анжумани

Барча жойларда бўлгани каби, Қорақалпоғистон Республикаси шаҳар ва туманларида ҳам истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари тузилди. Мамлакатимизда вужудга келган яна бир жамоатчилик институтининг мақом ҳамда вазифалари белгилаб олинди.

Куни кеча Нукусда Қорақалпоғистон Республикаси истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерациясининг таъсис қурултойи бўлиб ўтди. Ижроия муассасалари, тегишли вазирлик ҳамда идоралар, концерн ва уюшмаларнинг раҳбарлари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этган бу анжуманни Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг ўринбосари Ҳ.Абдураҳмонов бошқарди.

Кун тартибидаги масала юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси Х.Тоғонмуратов маъруза қилди. Маърузачи ва сўзга чиқанларнинг нутқларида истеъмолчиларни сифатли товар ҳамда маҳсулотлар билан таъминлаш юзасидан аниқ таклифлар ўртага ташланди. Чунончи, ўтган йили бу борада 41 та қонун бузилиши ҳолатлари аниқланганлиги таъкидланди.

Қорақалпоғистон Республикаси Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси раиси этиб Нукус шаҳар ҳокими ўринбосари лавозимида ишлаб келаётган П.Зарекеев сайланди.

— Анжуманда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вазифалар белгилаб олинди, — дейди Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси бошқарма бошлиғи С.Дўстматов. — Галдаги вазифа уларнинг ижросини таъминлашдан иборатдир.

Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Маърифат соати

Ватанни англаш саодати

Ўқувчилик кезларимда устозларимиз бизга шундай ўгит берардилар: «Сизлар улғайиб, турли касб эгалари бўласиз. Кейин Ватанга хизмат қиласиз. Эл-юрт сизни олқишлайди. Бунинг учун доимо яхши ўқишингиз зарур!»

Шунда биз ўйлар эдик. «Қай касбни эгалласак, Ватанга кўпроқ фойда келтирамиз? Қандай инсон бўлсак, кўпроқ олқиш оламиз?»

Орзу-ўйлардан кўнглимиз ёришиб кетарди. Келажакка умид ва ишонч туйғулари қалбимизда бўй чўза бошларди...

Устозлар ўгити — ҳикмат. Биз эса бу ҳикматлар замиридаги маъно-мазмунни анча кейинроқ тушуниб етдик. Яхши ўқиб, чуқур билим олишнинг хосияти кўп экан. Билимдон одам дунёни танийди, Ватанни англайди, юртни эъзозлашни ўрганади. Жамият юкига елка тутиш ҳам осон эмас. Бунинг учун инсон ўзидаги эзгу ҳисларга суяниши керак. Қачонки, эгаллаган касбингга бўлган меҳр юртингга қўйган меҳринг билан уйғунлашганда, юрагингдаги садоқат туйғуси Ватан деган қутлуғ сўзга ҳамоҳанг бўлгандагина, бу яхлитлик борабора сени Ватан хизмати сари чорлар экан!

Аслида Ватан биздан нимани кутмоқда?

Биз Ватанга нима беряпмиз?

Шу саволларга жавоб ахтариб бу кун юртдошларим даврасига кираман. Ҳар биттасининг қалб оламига назар ташлайман. Улардан бири — педагог. Иш столидаги чироқ туни билан ўчмайди. Шундай қилсамки, ҳар бир ўқувчи замонавий билимларнинг афзаллигини тушуниб етса, бу йўлдаги машаққатларни енгиб ўтмоқликка тайёр турса, дея ният қилади. Ана шу эзгу мақсад йўлида изланяпти у. Изланишлари натижа бергандагина ўзидан кўнгли тўлади.

Яна бир юртдошим — тадбиркор. Даромади бисёр. Рўзғори тўкин. Қўлини қаёққа узатса, етади. Бироқ, шу нарсанинг ўзигина унга таскин беролмайди. Тонгга қадар журналу китоб титади, чет эллик тадбиркорларнинг иш услублари билан қизиқади. «Нима учун хорижда миллиардерлар кўп? Нега бизда кам?» дея ўйлайди у. Ахир бой-бадавлат кишилар қанчалик кўпайса, мамлакат ҳам шунчалик қудратли бўлади деганлар Юртбошимиз. Шундай экан, Ўзбекистондай жаннат юртда қандай иш юритмоқ керак? Балки даромаднинг барокати эл-юрт дуосидир?! Агар у фақат ўз рўзғори ташвишлари билан яшаб қолмай, балки ўз маҳалласи ободлигига ҳисса қўшса, йиқилганни суяб, муҳтожга кўмак берса, юртининг манфаатларини ўзининг шахсий эҳтиёжларидан устун қўйса мақсадига эришиш осон кечар?! Бойлигига янада кўпроқ бойлик қўшилар шунда?! Донишмандлар «Ўзгалар бахтини ўйлаб яшасанг, ўзинг ҳам бахтли бўласан» деган ҳикматни бежизга айтишмагандир?!

Тадбиркорнинг кўнглида бир шиддат уйғонди. Ақли-шуури тиниқлашиб, вужуди қайта куч-қувватга тўлгандек бўлди.

Бу каби ёруғ ўй-хаёллар аслида ҳаммамизнинг кўнглимиздан кечармикин? Масалан, гўдак қарови билан банд бўлган она болалар парваришига шунчаки оддий иш, деб қарамасдан, балки «Мен миллат келажагини ярата оладиган фарзандлар тарбиялашим керак!», деб ўйласа...

Ўқув юрти талабаси «Дунё муаммоларини тушуниб етсам, шундагина ўз миллатим оғриқларига малҳам топа оламан, демак хорижий тилларни ўрганиб, дунёвий билимларни ўзлаштиришим даркор!» деган истак билан ўқиб-изланса...

Хуллас, ҳар биримиз турлича фикрласак, турли йўл-йўриқлар ахтарсак, турфа орзу-ниятлар билан ҳаёт кечирсак, лекин қўллаган жамики тадбирларимиз Эзгулик деган улкан доира ичига жамланса, сўнг шу доира ичида туриб Ватанни англасак...

Агар Ватанни англасак, Ватан биздан нима кутаётганини тушуниб етамиз.

Агар Ватанни севсак, биз Ватанга нима бераётганимиз ҳақида астойдил ўйлай бошлаймиз.

Аслида, ҳар биримизнинг кимлигимизни ботиний қиёфамиз айтиб туради. Биз киммиз? Сийратимизда қай туйғулар мужассам? Эл ташвишидан куюниб, яхшиликларидан суюна оламизми? Ватан тақдирига дахлдорлик ҳиссини юрак чизиқларидан ўтказганмизми ҳеч?! Ватанни севган, унинг учун ўзни фидо этган миллатдошларимиз каби бўла олармикинмиз?! Абдурауф Фитратнинг ўтган аср бошларидаги «Ҳуррият» газетасида чоп этилган «Юрт қайғуси» асарида шундай сўзлар битилган: «...Мана, мен чин кўнгил билан сенинг йўлингда ўлурга рози. Дунёнинг бутун балолари бошимга тўкилса, зулм чўлининг темир тиконлари кўзларимга кирса, яна сени қутқараман. Мен сенинг учун тирилдим, сенинг учун яшарман, сенинг учун ўлурман!»

Ҳа, юртни севган бошқаю, юрт учун фидо бўлмоқ бошқа экан. Серташвиш кунда ҳам, қувончли дамларда ҳам ўз эли билан бирга бўлиб, Ватани дардини теран ҳис этолган киши аслида юртпарвар саналади. Бундай киши ўзга элда яшашни ҳавас қилмайди, аксинча билими, иқтидори, тажрибасини шу юрт, шу Ватан манфаати йўлида сарфлайди. Юртимизда шундай инсонлар кўп. Шунинг учун ҳам биз тобора шиддат билан илгарилаяпмиз. Шунинг учун ҳам дунё мамлакатлари бизга ҳавас билан қарамоқда. Қачондардир ўзга юртда қўним топган юртдошларимизни эса бугунги Ўзбекистоннинг довруғи қувонтиради, шу юртнинг армонли соғинчлари уларни бирор лаҳза тарк этмайди.

(Давоми 2-бетда).

Сўнгги хабарлар

Умидимиз ниҳоллари

Сирдарё вилояти умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида «Умид ниҳоллари» спорт мусобақалари қизғин давом этмоқда. Унинг дастлабки босқичларида 3 минг нафардан кўпроқ ўқувчи фаол иштирок этишди. Қишки таътил давом этаётган айни кунларда мусобақаларнинг навбатдаги босқичи бўлиб ўтди. Волейбол мусобақаларида Ш.Рашидов тумани, Янгиер шаҳри ва Гулистон шаҳри ўқувчиларининг қўллари баланд келди. Стол тенниси бўйича ўтказилган беллашувларда эса Мирзаобод, Сирдарё, Оқолтин ва Боёвут туманларининг ўқувчилари ғолиб чиқдилар.

Қўлтўпи, футбол, шахмат, баскетбол, кураш мусобақаларида ҳам ўқувчилар ўзларининг чаққон, билимдон, айни пайтда чапдаст эканликларини намойиш этдилар.

Энди сирдарёлик ғолиб спортчиларнинг мақсади республика беллашувларида вилоят шарафини муносиб ҳимоя қилишдир.

А.ХОНИМҚУЛОВ.

Гўзалмисан, гўзал

Бундан бир йил олдин Наманганнинг "Гўзал" даҳасидаги ташландиқ жой ўрнида "Гўзал" савдо мажмуи қад ростлади, деса кўпчилик ишонмасди. Бугун у ҳақиқатга айланди. Тадбиркор Атҳамжон Юсуповнинг ташаббуси билан бу ерда савдо, ишлаб чиқариш мажмуи қад ростлади. Шунингдек, бир йўла 500 кишига хизмат кўрсатувчи тўй ва маросимлар уйи, тикувчилик цехи бунёд этилди. Бу билан 100 нафардан зиёд киши иш билан таъминланди.

"Туркистон-ПРЕСС".

Нурободда қўшма корхона

Чорвадорлар юрти - Нуробод тумани марказида янги йилнинг илк кунларидан бошлаб "PARVINA UNIPAK DOIL NUROBOD" Ўзбекистон - АҚШ қўшма корхонаси фаолият кўрсата бошлади. Корхонада асосан эшик-ром сингари жиҳозлар ишлаб чиқарилаётир. Қизиғи шундаки, маҳсулотларнинг хомашёси ёғоч эмас, балки поливинилхлориддир.

Поливинилхлориднинг афзаллик томонларини нурободликлар аввалдан билишади. Негаки, туманда айнан шу маҳсулотдан қувур ишлаб чиқарадиган корхонанинг ишлаётганига анча бўлди.

Янги корхона ўз маҳсулотларини экспорт қилиш ниятида.

А. САТТОРОВ.

ВАЛЮТА БОЗОРИ:

ЭРКИНЛИК ВА ҚОНУНИЙЛИК САРИ

Мамлакатимизда валюта сиёсатини янада эркинлаштириш, биржадан ташқари валюта бозорини мустаҳкамлашга алоҳида аҳамият берилаётир. Миллий валютани конвертация қилиш ҳуқуқига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар сони кенгайиб бораётгани боис алмаштириш шохобчалари кўпайтирилиб, хорижий валюта сотиб олиш тартиби соддалаштирилди.

Бу жараённи янада чуқурлаштириш, биржадан ташқари валюта бозорини кенгайтириш ва нақд пулсиз ҳамда нақд валютани конвертация қилиш қўлламларини кўпайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг "Валюта бозорини янада эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинган эди.

Мазкур қарор асосида хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш мақсадида улар томонидан ишлаб чиқарилган товарлар ҳамда кўрсатилаётган хизматлар экспортидан тушган валюта тушуми мажбурий сотишдан озод қилинди.

Шу билан бирга туристик комплекслар, савдо марказлари, буюм бозорлари, аэропортлар ва божхона постларида алмаштириш шохобчалари сони янада кўпайтирилди.

Амалга оширилаётган ушбу чора-тадбирлар пул маблағларининг қонуний айланишини таъминлаб қолмай, миллий валютамизни инфляциядан сақлайди.

Лекин, яратилаётган имкониятларга қарамай, ноқонуний валюта операциялари билан шуғулланаётган шахслар ҳамон учраб турибди. Узбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиққа ва валютага оид жиноятларга карши курашиш департаменти тезкор ходимлари бундай кишиларнинг фаолиятига чек қўймоқда.

Валюталарнинг ноқонуний муомалага киритилиши, айирбошланиши ва олиб чиқиб кетилишини аниқлаш борасидаги таҳлиллар шуни кўрсатадики, қонунни бузиш ҳоллари кўпинча жисмоний шахслар томонидан содир этилмоқда. Уларнинг кўпчилиги ҳеч қаерда ишламай, осон даромад топиш илинжида валютафурушликни ўзларига "касб" қилган фуқаролардир.

Самарқандлик Парвез Баратов 700, навоийлик Рима Сингатуллина 700, андижонлик ака-ука Машъал ва Валишер Жалилов 1050 АҚШ доллари, 860 Россия рубли, 4650 Қирғизистон соми, 100 ЕВРОни ноқонуний сотаётган пайтда департамент ходимлари томонидан қўлга олиниб, жиноят ишлари қўзғатилди. Ушбу ҳолатларга суд жараёнида аниқлик киритилиб, айбдорларга тегишли тартибда жазо тайинланди.

Таъкидлаш жоизки, департамент органлари бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари билан ҳамкорликда бундай ҳолатларнинг олдини олиш, аниқлаш ва бартараф этиш борасида кенг қамровли тадбирларни амалга оширмоқда.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири.

"Халқ сўзи" назоратида

Саёз китобга тўсиқ қўйилди

"Халқ сўзи"нинг 2002 йилги 13 декабрь сонида эълон қилинган "Аслида бешиклан бошланар қўшиқ" мақоласи Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги жамоаси томонидан ўрганиб чиқилди.

Дарҳақиқат, мақолада кўрсатиб ўтилганидек, кейинги пайтларда мазмуни саёз, шеър ёзиш қонун-қоидаларига жавоб бермайдиган шеърий тўпламлар, айрим камчиликлардан холи бўлмаган тарихий ҳамда диний мавзудаги ва бошқа йўналишлардаги китоблар ҳам пайдо бўлмоқда.

Агентликнинг 2002 йил декабрь ойида бўлиб ўтган ҳайъат мажлисида ана шундай адабиётлар жиддий таҳлил этилиб, уларни нашрга тайёрлаган нашриётлар ва босмадан чиқарган матбаа корхоналари раҳбарлари огоҳлантирилдилар. Камчиликларга барҳам бериш чоралари кўрилди.

М.МИРОЛИМОВ,
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Бош директорининг биринчи ўринбосари.

Сизни халқ таълими Вазири эшитади

Муҳтарам «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газетхонлари!

Шу йилнинг 17 январь, жума куни соат 10.00 дан 12.00 гача Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Рисбой ЖЎРАЕВ телефон орқали мулоқот соатлари ўтказади.

Агар Сизни мамлакатимиз халқ таълими тизимида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган улуғвор вазифаларнинг қандай бажарилаётганлиги, бу борадаги янгиликлар, муаммолар қизиқтирса, шу соҳадаги ишларни янада яхшилашга оид таклиф ҳамда мулоҳазаларингизни айтишни истасангиз, қуйидаги телефонларга қўнғироқ қилинг.

139-42-14, 139-19-59.

Мабодо, вазирга берилажак саволларни олдиндан етказмоқчи бўлсангиз иш кунлари соат 10.00 дан 18.00 гача бевосита 133-38-01, 133-10-17 рақамли телефонлар орқали ёки 133-71-07, 133-57-34, 139-11-73 рақамли факс орқали мурожаат қилишингиз мумкин.

Бевосита мулоқотга марҳамат.

ОСМОНИМИЗ САРҲАДЛАРИ ПОСБОНЛИГИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Биз ҳарбий қисмда бўлганимизда мамлакатимизнинг турли бурчакларидан армия сафига чақирилган кўплаб ёшлар билан суҳбатлашдик.

— Мен муддатли ҳарбий хизматга Қашқадарё вилоятининг Қамаши туманидан чақирилганман, — дейди оддий аскар Сирожиддин Қиёмов. — Армияда хизмат қилаётганимга уч ой бўлди. Ҳозир бўлим командири вазифасида ўз бурчимни адо этаяпман. Ўтган қисқа вақт мобайнида бу ерда жуда кўп нарсани ўргандим. Ватанга муҳаббат нималигини мен армияда чуқур ҳис қилдим. Ҳарбий хизмат бизга ўз мамлакатимизнинг ҳақиқий фуқароси эканимизни англаш имконини берди. Албатта, армиянинг ўзига яраша мураккаб томонлари, қийинчиликлари ҳам бор. Лекин, биз — аскарлар, бу қийинчиликлардан сира чўчимаймиз. Мавжуд муаммоларни ўз вақтида бартараф этишга ҳаракат қилаяпмиз.

Бизнинг қисмда иноқ жанговар жамоа таркиб топган. Бу эса маҳоратимизни янада ошириш, мураккаб ҳарбий техникани пухта ўзлаштириш, жанговар навбатчилик вазифаларини ўз вақтида ва сифатли бажариш имконини бермоқда.

Шуни мамнуният билан айтмоқчиманки, бир неча кундан кейин биз ҳарбийлар Ватан ҳимоячилари куни ва Қуролли Кучларнинг 11 йиллигини тантанали равишда байрам қиламиз.

— Мен Сурхондарё вилоятининг Денов туманиданман, — дейди оддий аскар Шавкат Болтаев. — Армия хизматини ўтаётганимга қарийб тўрт ой бўлди. Ҳарбий хизмат ҳар биримиз учун Қуролли Кучлар сафида хизмат қилиш, ўз Конституциявий бурчимизни адо этишдангина иборат бўлмасдан, балки ҳарбий хизмат биз, йигитлар учун нуфузли ва шарафли бир ишга айланмоқда. Мен ҳозир радиотехника батареясида механик вазифасини ўтаяпман. Ҳарбий қисмда биз, ёшларнинг намунали хизмат қилиши учун зарур шарт-шароит яратилган. Қўмондонларимизнинг бевосита ғамхўрлиги туфайли жанговар тайёргарлик ишлари аниқ ташкил этилиб, замонавий жанговар техника қунт билан ўрганилмоқда.

— Ота-оналаримиз ва дўстларимиз биздан доимо хотиржам бўлсинлар, — дейди Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон туманидан ҳарбий хизматга чақирилган оддий аскар Акмал Султонов. — Радиотехника батареясида оператор лавозимида хизмат қилмоқдаман. Биз, аскарлар зиммасига беғубор осмонимиз мусаффолигини ҳимоя қилишдек юксак масъулият юклатилганини ҳар дамда чуқур ҳис қилиб турамиз. Анъанавий байрам — Ватан ҳимоячилари куни арафасида ишонтириб айтмоқчиманки, биз бундан буён ҳам мустақил Ватанимизга содиқлик билан хизмат қилаверамиз, она-юртимиз осмонини кўз қорачиғидек асраш учун доимо шай турамиз.

Қисмда аскар ва сержантларнинг ҳарбий хизматни аъло даражада ўташлари учун барча шарт-шароит мавжуд. Иссиқ ва ёруғ ётоқхоналар, яхши жиҳозланган маиший хизмат хоналари, ошхона, аскарлар чойхонаси ёшлар хизматида. Бу ерда замонавий клуб, 10 мингдан зиёд китоб жамғармасига эга кутубхона, шунингдек, дўкон, ҳаммом ва бошқа кўплаб маданий-маиший иншоотлар ишлаб турибди. Қисмда мунтазам равишда турли маданий ва маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилади.

Ҳарбий қисмда ўзига яраша муаммолар ҳам йўқ эмас, албатта. Лекин бу муаммоллар аҳил жамоа томонидан муваффақиятли ҳал этилмоқда.

Шу кунларда ҳарбий қисмда Ватан ҳимоячилари кунини байрам қилиш юзасидан катта тайёргарлик ишлари бораётир. Бу ерда муҳим санага бағишланган йиғилишлар, тематик кечалар, уруш ва меҳнат қаҳрамонлари, Қуролли Кучларимиз фахрийлари, жангчиларнинг ота-оналари, жамоат ташкилотлари вакиллари, республика маданият ва санъат арбоблари билан учрашувлар ва суҳбатлар бўлиб ўтмоқда.



Т. БОТИРБЕКОВ,
ЎзА мухбири.
СУРАТЛАРДА: ҳарбий ҳаво қўшинлари ҳаётидан лавҳалар.
М. АМИН олган суратлар.

Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилотининг Навоий вилоят кенгаши оммавий ватанпарварлик ойлиги муносабати билан уюштираётган тадбирларда вилоят Мудофаа ишлар бошқармаси, халқ таълими бошқармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Нуроний", "Маҳалла" жамғармаси, "Маънавият ва маърифат" маркази вакиллари фаол иштирок этмоқда.

ВАТАНПАРВАРЛИК ОЙЛИГИ

Шундай тадбирлардан бири Навоий шаҳридаги автомобиль мактабида бўлиб ўтди. Унда ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ҳарбий хизматга тайёрлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли тадбирлар хусусида сўз борди. Сўнгра, шаҳардаги ҳарбий қисм аскарлари, автомобиль мактаби курсантлари сафда юриш маҳоратини, ракета ва авиамоделчилар эса ўз моделларини намойиш этди. Тадбир сўнггида чақириқ ёшидаги йигитлар ва курсантлар ҳарбий қисмда бўлиб, аскарлар ҳаёти билан танишди.

— Бундай тадбирлар вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида ўтказилмоқда, — дейди "Ватанпарвар" ташкилоти Навоий вилоят кенгаши раиси С.Жўрабеков. — Ўтказилаётган давра суҳбатларида Президентимиз ва давлатимизнинг элюрт тинчлиги ва осойишталигига қаратилган инсонпарварлик сиёсати, халқимизнинг бунёдкорлик меҳнати самаралари, бу жараёнда ҳар бир фуқаро, хусусан ёшларнинг ўрни борасида фикрлашилмоқда. Бадиий кечаларда эса буюк аждодларимизнинг Ватан озодлиги йўлидаги қаҳрамонона кураш йўли, буюк саркардалар ҳаёти ҳақидаги саҳна асарларидан парчалар, бадиий фильмлар намойиш қилинмоқда.

Ватанпарварлик ойлиги муносабати билан спортнинг техник ва амалий турлари бўйича шаҳар, туман ҳамда вилоят биринчиликлари бўлиб ўтмоқда.

Ёрқул УМАР,
ЎзА мухбири.

Туризм

Кўҳна тарих шодасида битта маржон...

Сир эмас, кўҳна ва навқирон Бухоро мустақиллик йилларида халқаро туризм ҳамда сайёҳлик марказларидан бирига айланди. Зиёратчилар сонининг тобора ошиб бораётганлиги ҳам шундан далолат беради. Хўш, уларга замон талаблари даражасида маданий-маиший хизмат кўрсатилаяптими? Туризмни янада ривожлантириш, мамлакат хазинасига валюта тушумини кўпайтириш учун қайси масалаларга эътибор қаратиш лозим?

"Бухоротурист" ҳиссадорлик жамияти раиси, Олий Мажлис депутати Мансур ЗОКИРОВ билан мулоқотимиз ана шу хусусда.

— Ҳозирги кунда жаҳон миқёсида кечаётган интеграциялашув жараёни туризм соҳасига ҳам дадил "кириб" бораётгани сир эмас, — дея сўз бошлади суҳбатдошим. — Бунга табиий бир ҳол сифатида қараш керак. Сабаб? Замонавий сайёҳлик хизматини йўлга қўйиш орқали ўз иқтисодиётини мустаҳкамлаган, ҳаттоки бойиб кетган давлатларни биламиз. Уларнинг тажрибасидан ўрганса арзийди. Зеро, туризм ижтимоий тараққиётга эришишнинг муҳим омилларидан биридир.

Ўзбекистонга ташриф буюрган хорижлик меҳмон борки, Бухорони бирров зиёрат қилишни ўзи учун фарз санайди. Негаки, бу шариф маконнинг ҳар бир гумбази, ҳар бир равоғида минг йилларнинг ҳикмати мужассам. Сирасини айтганда, Бухорои шарифнинг иккинчи "баҳори" истиқлолдан кейин бошланди. Бошқа соҳани қўя турайлик. Туризм инфратузилмасини ривожлантириш, кўҳна ёдгорликларни тиклаш ва таъмирлаш бўйича олиб борилаётган кенг кўламли ишларни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Шаҳримизни икки-уч йил аввал кўрган киши бугун танимайди.

— Чиндан ҳам ўзгаришлар катта. Буни ҳар қадамда кўриш мумкин. Сайёҳлик хизматини жаҳон андозалари даражасида ташкил этиш ва янада такомиллаштириш тармоқ ходимлари олдида турган долзарб масалалардан биридир. Айтинг-чи, ушбу йўналиш бўйича вилоятда қандай тадбирлар амалга оширилаяпти?

— Мулкчилик шаклидан қатъий назар, вилоятдаги мавжуд сайёҳлик ташкилотлари ўзаро ҳамжиҳатликда иш олиб бормоқда. "Бухоро Палас" («Янги Бухоро") меҳмонхонаси ҳукумат қарорига мувофиқ ўтган йилдан бошлаб Германиянинг "Инпро Хотельс" ва "Штайнбергер Резервацион сервис" компаниялари бошқарувига берилди. Бу эса хизмат савиясини яхшилаш, ходимлар малакасини оширишда муҳим аҳамият касб этаётир. Вилоятдаги маданият муассасалари, музей-қўриқхоналар, ҳунармандлар, уюшмаси билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйганмиз. Натижада унутилаётган урф-одатлар, қадимий касб-ҳунар қайта тикланиб, халқимизнинг миллий ва амалий санъати янги қирралари билан намоён бўлмоқда. "Бухоро" ва "Бухоро Палас" меҳмонхоналарида электрон почта- алоқа тизимидан фойдаланиш, Интернет тармоғига уланиш имконияти яратилган. Бу эса сайёҳлар учун қўшимча қулайлик туғдираяпти.

Таъкидлаш жоизки, айни кунда вилоят ҳудудида 33 та хусусий сайёҳлик ташкилотлари мавжуд бўлиб, улар Вазирлар Маҳкамасининг лицензияси асосида фаолият юритмоқда. Шундан 16 таси хусусий меҳмонхонадир. Сервис маданиятини ошириш ҳисобига валюта тушумларини кўпайтиришга эришилаяпти. Чунончи, кейинги уч ой мобайнида хусусий меҳмонхоналар томонидан 92,5 минг АҚШ доллари миқдорида экспорт хизмати кўрсатилди. Бу борада "Саша ва Лена", "Бухоро-Визит", "Салом", "Хона Мубинжон" каби хусусий сайёҳлик тузилмаларининг ҳиссаси каттадир.

— Жаҳон туризм бозорида рақобат кучайиб бораётганлиги ўзингизга маълум. Бундай шароитда чет эллик сайёҳларни юртимизга кўпроқ жалб этиш учун қўшимча имкониятларни излаб топишга тўғри келади...

— Албатта. Биз ҳам бу ҳақда ўйлаяпмиз. Дастлабки ишлар қилинди. "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси билан ҳамкорликда уч йилдан бери Бирлашган Араб Амирликларига чартер рейслари ташкил этилганди. Ҳозири кунда Туркиянинг Истамбул ва бошқа шаҳарларига ана шундай парвозлар уюштириш юзасидан Бухоро аэропорти маъмурияти ҳамда хусусий фирмалар билан ҳамкорликда иш олиб борилаяпти. Фақат шугина эмас. Лондон, Париж, Берлин, Москва, Минск ва Тошкентда ҳар йили ўтказиладиган туристик ярмаркаларда мунтазам иштирок этилиб тегишли фирмалар билан сайёҳлар алмашиш бўйича шартномалар имзолаяпмиз. Ички туризмни ривожлантириш пул тушумларини кўпайтириш имконини бериши тажрибадан маълум. Шуни назарда тутган ҳолда, касаба уюшмалари вилоят кенгаши, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими билан ҳамкорликда маҳаллий аҳоли, талабалар ва мактаб ўқувчилари учун мамлакатимизнинг диққатга сазовор жойлари бўйлаб саёҳат томошалари уюштирилмоқда. Бундай тадбирлар кўпчиликка маъқул тушаяпти.

— Очиғини айтганда, мавсумдан ташқари ойларда вилоятдаги меҳмонхоналарнинг бандлиги талаб даражасида эмас. Нима қилиш керак?

— Тўғри, шундай муаммо бор. Лекин уни биров четдан келиб ҳал этиб бермайди. Демак, биринчи навбатда ўзимиз ҳаракат қилишимиз лозим. Ҳозирги пайтда Россиянинг бир қатор ҳудудларидан, чунончи, Татористон, Бошқирдистон ва Уралдан сайёҳларни жалб қилиш бўйича тегишли режалар ишлаб чиқилмоқда. Кўпгина хорижий фирмалар бу масалада биз билан ҳамкорлик қилишга тайёр. "Ўзбектуризм" миллий компанияси вилоят бўлимида сайёҳларга кўрсатиладиган хизмат ҳақи тўловларини максимал даражада камайтириш чоралари кўрилаяпти.

—Туризм соҳасида талайгина муаммолар тўпланиб қолганлиги бугун ҳеч кимга сир эмас. Уларни ҳал этиш учун биринчи навбатда нималарга эътибор қаратиш лозим, деб ҳисоблайсиз?

— Илгари хорижга чиқиш ҳуқуқини берадиган визалар асосан тегишли сайёҳлик ташкилотлари томонидан расмийлаштирилар эди. Ҳозирда бу иш сайёҳларнинг ўзига юклатилган. Натижада уларнинг шахси, феъл-атвори, оилавий шароити, қайси ташкилот томонидан қанча муддатга юборилаётгани ҳақидаги маълумотлар тегишли жойларда қайд қилинмаяпти. Бундай ўзибўларчилик баъзи бир нохуш ҳолатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлаётганлиги ҳеч биримизга сир эмас.

Яна бир гап. Хусусий сайёҳлик ташкилотлари мамлакатимиз хазинасини бойитишга ўз ҳиссаларини қўшиб келишаётганидан кўз юмиб бўлмайди. Улар қанча кўп бўлса, шунча яхши. Аммо масаланинг бошқа томони бор. Баъзи бир хусусий меҳмонхоналарда ўзбошимчалик билан иш юритилмоқда. Баҳоуддин Нақшбанд, Чор Бакр каби меъморий обидаларни зиёрат қилгани келаётган сайёҳлар оз бўлмаса-да, уларнинг аниқ сони ҳисоботларда қайд этилмайди. Бу каби ҳолатлар, очиғини айтганда, вилоятда замонавий туризмни ривожлантириш, валюта тушумларини кўпайтиришга салбий таъсир кўрсатади. Қадим Бухоро ҳаммамиз учун муқаддас макон. Унинг дунёвий нуфузи, обрў-эътиборини ошириш учун масъул эканлигимизни унутмайлик.

Носир ТОШЕВ,
"Халқ сўзи" мухбири.



Ватанни англаш саодати

(Давоми. Боши 1-бетда).

Америкада яшаётган ҳамюртимиз Мунаввар Ўлғин билан учрашувимиз чоғида у шундай сўзларни айтганди: «Мен она юртим борлигидан ва бу юрт Туркистон эканидан жуда бахтиёрман. Отамнинг ўз юртига муҳаббати жуда кучли. Лекин бу юртга – Ўзбекистонга бўлган менинг меҳрим ундан-да кучлироқдир». Мен шу суҳбатни тинглаб, ўзга юртда яшаётганлар учун ўзларидаги Ватан севгисини асраб қолиш муҳимроқ эканини фаҳмладим. Ахир баъзан ўз она юртида яшаб туриб, шу юртнинг ташвишу қувончларига бефарқ қарайдиганлар ҳам бор-ку! Аслида ўз Ватанинг билан ғурурланиш, унга керак эканингни ҳар лаҳзада ҳис этиб яшаш – улуғ бахт. Ўзни Ватан хизматига шайламоғимиз учун, аввало, қалбларимизда миллий ғурур туйғуси қарор топмоғи зарур. Аксариятимиз бу кун худди шундай туйғудан куч олиб яшаяпмиз, шу туйғу бизни тобора олдинга чорлаб турибди.

Миллий ғурур туйғуси юртимиз ўзимизники бўлган кунданоқ дилимизга ўрнашди, истиқлолимиз баробарида куртак ёзди, кўкка ўрлади. Эндиликда янги давр нафаси билан яшаб, давраларда ўз сўзимизни айта оляпмиз. Юрар йўлларимизда ҳурлик чечаклари очилиб ётибди. Демак, янада янгичароқ фикрлар билан майдонга чиқишимиз, ўзимизни билимдонлар сафида кўрсатмоғимиз лозим. Негаки, миллат қадрини ошириш, қаддини кўтариш учун ҳар биримизда билимдонлик фазилати бўлиши шарт. Гарчи Президентимиз айтганлари каби «Фақат билимли, маърифатли жамиятгина демократик тараққиётнинг барча афзалликларини қадрлай олиши ва аксинча билими кам, оми одамлар авторитаризмни ва тоталитар тузумни маъқул кўришини ҳаётнинг ўзи ишонарли тарзда исботламоқда!»

Билимли одам изланади. Изланиши изсиз кетмайди. Унинг эришган ҳар ютуғи эса Ватанни англаш сари қўйилган қадам. Ватан равнақи йўлида қурилган муҳим пиллапоя.

Биз шундай қадамни қўйдикми?

Биз шундай пиллапояни қурдикми?

Ўйлаб кўрайлик.

Вужудга куч-қудрат бахш этиб, руҳни камолга етказгувчи нима? Тийрак нигоҳ, теран тафаккур, етук ақл. Шууримиз чақнаб турса, кўнгил тозаради, фикр чўғи яллиғланади. Юрак ёнади.

Озод фикр билан ёнаётган юракни эса ҳеч нарса тўхтатолмайди..

Ватан ишқи билан ёниб яшасак, Ватанни англаш саодатини ҳис этамиз. Шундагина «Мен Ватанга нима беряпман?» деган саволга жавоб ҳам топилади.

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА.

Банк тизими

Қадимий ва навқирон сайёрамиз карвони яна бир йилни ортда қолдирди. Шундай дамда ҳар ким ўн икки ой давомида ўзи, оиласи, меҳнат жамоаси босиб ўтган йўл тўғрисида мушоҳада юритади, ўзича хулосалар чиқаради, бармоқ букиб сармояларини, ундан келган фойдани, тегадиган улушни ҳисоблайди.

Биз бозор муносабатларини дадил шакллантириш даврига ўтдик. Яширадиган жойи йўқ: бундан тўрт-беш йил аввал кичик ва ўрта бизнес субъектларини ташкил этишга ҳавасмандлар анча кўп эди.

Сармоя — сариқ олтин

Айримлари ўз имкониятларини чамаламасдан, бозор тамойилларини ўрганмасдан туриб иш бошлагани учун, маълум вақтдан сўнг "синиб" қолишди. Сармояни ҳам, сабрни ҳам сариқ олтин, деб билган тадбиркорлар эса муайян муваффақиятларга эришмоқдалар.

Биргина мисол. Илгари бизнинг туманимизда қўшма корхона йўқ эди. Бир қанча кишилар шундай корхона тузиш йўлида елиб-югуришди. Бироқ имкон даражасидан юқорироқ сармоялар кўзлангани учун, бунга эришиш қийин кечди. Аммо Саркоп қишлоғида истиқомат қиладиган оддий тадбиркор Қодир Авезимбетов ширинмия илдизини қайта ишлашга йўналтирилган "Лико Росто" қўшма корхонасини рўйхатдан ўтказди. Аллақачон хорижга хомашё ҳам жўнатди. Ҳолбуки, у ўзининг тадбиркорлик фаолиятини дастлаб оддий ун тегирмони, кейинчалик кичик ғишт заводи қуришдан бошлаган эди. Қодир аканинг битта ноёб фазилати бор: ҳақиқий сармоя, чин маънодаги фойда, ҳамкорлик билан мулоқот учун яқин жойларга ҳам, минг чақирим масофага ҳам бораверади.

Бўлимимизнинг 325 та мижози бор. Уларнинг асосий қисми, яъни 317 таси кичик ва ўрта бизнес субъекти ҳисобланади. 2001 йил давомида уларга 56940000 сўм кредит берилган эди. Мазкур кредитлар эвазига тадбиркорлар ўша йилиёқ 84 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб, 79 та янги иш ўрни очишга муваффақ бўлдилар. Якунланган йил кўрсаткичлари эса бундан ҳам юқори бўлди.

Холмирза БЕКЧОНОВ,
"Ғаллабанк"нинг Беруний тумани бўлими бошқарувчиси.

Узилмасин ердан оёғинг

Узоқ йиллардан буён театр, кино санъатига баҳоли қудрат ҳисса қўшиб келаётган санъаткор билан суҳбатлашмоқчи ва газетага мақола тайёрламоқчи бўлдим. Уйининг телефон рақамини топдим. Гўшакни ўғил бола кўтарди.

— Аям йўқ эдилар, келишса албатта айтиб қўяман.

Йигитнинг самимий овози, онасига нисбатан эъзоз билан сўзлаши эътиборимни тортди. Мен мақоламда опанинг нафақат санъаткорлигини, балки аёл, меҳрибон она сифатини ҳам ҳисобга оламан, дея режалаштириб қўйдим. Хаёлан опа билан суҳбатлашаман. Ёзилажак мақола хаёлимда пишиб қолганди.

Опанинг ўғиллари айттан вақтда яна қўнғироқ қилдим. Яна ўша ўктам овоз.

— Опажон, аям ҳозиргина келгандилар. Сиз қўнғироқ қилганингизни айтдим. Ҳозир уларни чақираман.

Телефондан телевидение кўрсатувлари орқали таниш бўлиб қолган овоз эшитилади.

Мен ўзимни таништирдим. Мақсадимни айтдим. Опа хурсанд бўлиб кетдилар.

— Раҳмат, синглим. Жуда яхши иш бўларди.

Учрашув кунини белгилаш учун яна қўнғироқлашадиган бўлдик. Хайрлашиш олдидан нима учундир ўғли ҳақида, унинг тарбияси, одоби ҳақида гапиргим келди.

— Опа, ўғлингиз жуда боодоб йигит эканлар. Ҳатто телефондаям берган тарбиянгиз сезилиб туради-я...

Ҳали гапим тугар-тугамас телефондан овоз келди:

— Кимми айтворсиз, қанақа ўғил?! У мардикор бола-ку. Уйларимизни "пластик ремонт" қилдирвотувдик. Вой синглимей, аллақайси қишлоқини ўғлимга ўхшатиб юрибсиз-а?!

Миямга нимадир урилгандай бўлди. Боягина ана шу йигитнинг муомаласи сабаб юксакликда турган, буюкликка дахлдор деб билганим – аёл майда-майда бўлакларга бўлиниб, парчаланиб кетди. "Опанинг беписанд сўзларини ўша "мардикор йигит" эшитмадимикан", деган хижолатли ўй кечди хаёлимдан.

Опа яна нималардир деди. Бироқ мен ҳеч нарса тушунмадим. Тушунадиган аҳволда ҳам эмасдим.

— Узр, опа, – дедим кескин оҳангда, – қишлоқдан қариндошларим келиб қолишди. Уларни кутиб олишим керак. – Мен унинг жавобини кутмаёқ гўшакни қўйдим. Опа бу кесатиғимни сездиларми, йўқми, билмадим. Ўша воқеадан сўнг опа бир неча бор қўнғироқ қилгандилар... Ўйланиб қолдим. Мени ўйлантирган нарса, унга эътиқод қўйган йигитларга нисбатан беозларча айтган гаплари эмас, балки "қишлоқдан келган, аллақандай мардикор", деган гапларни мулоҳазасиз, табиийдек айтгани ва бу билан кимларнидир ҳақоратлагани, нафсониятига текканини ҳис ҳам қилмагани.

Қизиқ, маҳаллийчилик, таниш-билишчилик, одамларнинг иқтидоридан кўра унинг таниш-билишлари, "юқорида" акахонлари ишлашига қараб, муомала қилиш каби қусурлар бизнинг вужудимиздан қўним топишга қачон улгурди? Унинг илдизлари қаерда? Бугун тараққиётга ғов бўлаётган қусурлар ҳам ана шу илдизларга бориб тақалмайдими?! Саволлар кўп. Бироқ...

Яқинда бўлиб ўтган халқ депутатлари Сирдарё вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида Президентимиз маҳаллийчилик, қариндош-уруғчилик, таниш-билишчиликнинг салбий оқибатлари ҳақида ғоят қуйинчаклик билан гапирдилар. "... вилоят ҳокими томонидан четдан олиб келинган кадрлар ўзларига юклатилган вазифаларни бажаришда билим ва малакаларини кўрсата олмади, аксинча вилоятдаги ижтимоий муҳитнинг бузилишига, ҳокимнинг обрў-эътибори тушишига сабаб бўлди". Бу айни ҳақиқат. Бугун айрим ҳудудларда одамларнинг норозиликларини келтириб чиқараётган, тараққиётга ғов бўлаётган ҳам ана шу иллатлардир. У инсоннинг онгини, шуурини заҳарлайди ва аста-секинлик билан миллатни ичидан емириб бораверади. Ғаразгўйлик, кин, тарафкашлик унинг суянч тоғларидир. Оқибатда эса одамларда бир-бирларига паст назар билан қараш, бир-бирларини менсимаслик, муваффақиятларидан ҳадиксираш сингари иллатлар келиб чиқаверади. Бунинг оқибати ўлароқ узоқни кўра билмайдиган "суянчиқли", "тирговичли" "даҳо"лар етишиб чиқаверади. Уларга ишониш эса, таназзул сари юз тутиш билан баробардир.

Қайсидир нашрда америкалик йигитнинг бир неча йиллардан буён отасининг хусусий университетига киролмагани ҳақида ўқигандим. Сабаби, йигитнинг етарли балл йиғолмаслигида экан. Бундан ажабланган кишилар йигитнинг отасидан бу ҳолни изоҳлаб беришини сўрашибди. Шунда ота:

— Мен ўғлим бўлгани учун уни университетимга қабул қилдим ҳам дейлик. Эртага у ким бўлиб камол топади ва халққа, юртга қандай наф келтира олади? Унинг келажакдаги қадр-қиммати, ҳурмати менинг ўғлим эканлиги билан эмас, халққа, Ватанга қандай наф келтириши билан ўлчанади, дея жавоб берган экан.

Нега бугун кундалик муомаламизда миллатни, халқни бир-биридан айро кўрсатувчи нотабиий сўзлар пайдо бўлиб қолди? Бу ниманинг аломати?! Заифликнингми, манқуртликнингми, калтабинликнингми, ниманинг?!...

Салоҳиятли кадрлар эгаллаши мумкин бўлган жойларга тасодифий кишиларнинг келиб қолиши, улар эса зиммаларидаги масъулиятни, юкни кўтаролмай абгор бўлиб қолаётганлигининг илдизи ҳам ўша маҳаллийчилик иллатига бориб тақалиши ҳеч кимга сир эмас. Ижтимоий адолатсизлик эса, норозиликни келтириб чиқаради. Болалигимизда бир ҳикматли эртак бўларди. Бир неча фарзандларнинг отаси умри поёнида ўғилларини чақириб ҳар бирининг қўлига биттадан чўп беради. Ўғиллар чўпни осонлик билан синдириб ташлайдилар. Сўнгра бир неча чўпни бир қилиб беради. Йигитлар ҳарчанд уринмасинлар синдиришолмайди. Шунда отахон: ўғилларим, агар сизлар бир бутун бўлиб бирлашсанглар, сизларни ҳар қандай куч енголмайди, – дейди. Қиссадан ҳисса шуки, бирлашган одам ҳеч қачон ютқазмайди.

Мустақиллигимиз эндигина ўн бир ёшга тўлди. Шу қисқа давр мобайнида Ватанимиз жаҳон ҳамжамиятида ўз нуфузига, ўз овозига эга бўлди. Жаҳондаги энг салоҳиятли мамлакатлар қаторида юришга ҳақли эканлиги ўз исботини топди. Шулар ҳақида ўйларканман, балки аждодларимиз турли хонликлару бекликларга, уруғу қабилаларга бўлинмаганларида халқимиз қатоғонларни, мақсадсиз урушларни кўрмаган, ҳаётимиз янаям фаровонроқ бўлган бўлармиди, деган армонли ўй хаёлимдан ўтаверади. Аслида, "Айрилганни айиқ ер, бўлинганни бўри ер", "Бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар" сингари мақоллар ҳам аждодларимиз англаб етган ҳақиқат асосида туғилган ҳикматдир. Тарих гувоҳ, ҳар қандай салоҳиятсиз кишилар йиллар давомида ўз-ўзидан ҳаёт саҳнасидан чиқиб кетаверади. Бироқ унга қадар қанчадан-қанча софдил, ҳалол, элим деб, юртим деб яшагувчи кишилар қалбида жароҳат қолдиришлари мумкин.

Биз илдизи эзгулик, инсоф-диёнат, мусулмончилик сингари қадриятлардан сув ичувчи, буюк, айни чоғда бутун бир халқмиз! Биз Одам Ато, Момо Ҳавво зурриёдларимиз! Томиримизда Беруний, Форобий, Амир Темур, Мангуберди, Муқанна сингари буюк алломаларнинг, жаҳонгиру юрт фидойиларининг қони оқмоқда. Бутун бир халқни, бутун бир миллатни майдалаштиришга, уларни бир-биридан айро тутишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Тўғри, ҳар бир инсон етти уруғи, етти аждодини билиши фарз. Бироқ бу уларнинг биз бир уруғ, бир қабиладанмиз, дея салоҳияти, билим, иқтидорига қарамай кўр-кўрона бир бирини қўллаб-қувватлаш ёки бир бирини камситишларига асос бўлмаслиги керак.

Ёғочнинг бўшини қурт ейди. Ҳар қандай хасталик, аввало, ожиз, заиф танага ёпишади. Биз юқорида тилга олганимиз маҳаллийчилик, таниш-билишчилик, қариндош уруғчилик ва бошқа ...чилик-чиликлар миллат бутунлигини мисоли қурт каби кемириши, хасталик бўлиб заифлаштириши мумкин. Бунга эса ўзини билган, шу юрт, шу эл билан фахрланувчи кишилар ҳеч қачон йўл қўймайди. Энг муҳим ҳақиқат – миллат бутунлигини асрашда.

Мавжуда ХОЛМАТОВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

Болаларни севмаган, уларни тушунишга ҳаракат қилмаган киши болалар шифокори бўла олмаса керак. Шу боис Ҳилолахон Маматқулова ҳар бир болажон билан «тил топишади», уларнинг дардига малҳам бўлишга интилади. Шаҳримизнинг Мирзо Улуғбек тумани, иккинчи Қорасув мавзесидаги 36-оилавий поликлиникада бундай шифокорлар талайгина.

СУРАТДА: Ҳилолахон Маматқулова «Соғлом бола хонаси»да профилактик текширишни амалга оширмоқда.

И.ШЕРБЕК олган сурат.

Соғлом она – соғлом бола

Оила қуришга тайёрмисиз?

Бу балки ҳақиқатдир, балки ривоят. Эрта тонгда туғилган фарзандининг тарбияси ҳақида қайғурган ёш ота-она кечки пайт Ибн Сино ҳузурига келишибди. "Фарзанд тарбиясини қачондан бошласак бўлади?" сўрашибди улар. Аллома боланинг эрта тонгда туғилганини эшитгач, "Сизлар андак кечикибсизлар, бола туғилиши билан унинг тарбияси ҳақида қайғуриш керак эди. "Ниҳолни бошдан, болани ёшдан", деб бекорга айтишмаган ахир", дея жавоб берган экан. Бугунги тиббиётчилар эса бола тарбиясини она қорнидалигидаёқ бошлаш керак, деган фикрни айтишади. Бу фикр қанчалик тўғри, нотўғрилигини исботламоқчи эмасмиз. Фақат фарзанд тарбияси нечоғли мураккаб ва нозик, нечоғли масъулиятли ва оғир эканини, унга ақлидрок, сабр-қаноат билан ёндошилмаса, кўзланган мақсадга эришиш мушкуллигини таъкидламоқчимиз холос. Фарзанд Оллоҳнинг неъмати дейишади. Бу неъмат, афсуски, ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Бунинг сабаблари кўп албатта...

— Биз фарзандларимиз тарбияси билан шуғулланар эканмиз, уларнинг, айниқса, балоғатга етиш даврига алоҳида эътибор беришимиз лозим, — дейди Акушерлик ва гинекология илмий-текшириш институти директори, профессор Жаҳонгир Қурбонов. — Бу даврдаги ўзига хос психологик ҳамда физиологик ўзгаришлар фарзандимиз учун қаяжонли давр ҳисобланади. Чунки худди шу пайтдан бошлаб улар ўз фикрига, дунёқарашига эга бўлган инсонга айланади. Энди улар жисмоний, эмоционал ва жинсий баркамолликка эришади.

Фарзанд тарбиясининг энг нозик, мураккаб жараёни ҳам шу бўлса керакки, айни ўсмирлик даврида ўғил-қизларимизнинг энг яқин маслаҳатгўйи бу ота-оналар бўлиши лозим. Чунки ўсмирларнинг балоғатга етиш даври сирларини билмасликлари кўпинча нохуш оқибатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Шу боис ҳам ота ўғли билан, она эса қизи билан мунтазам суҳбатлашиб, жинсий балоғатга етишнинг ўзига хос хусусиятлари, бу даврда одам организмидаги табиий ўзгаришлардан фарзандларини хабардор этишлари лозим. Улар жинсий тарбияга ўзи ва ўзгаларга нисбатан ҳурмат, аёл ва эркак ўртасидаги соғлом муносабатлар, улар ўртасидаги ўзаро ҳис-туйғулар киришини фарзандларига батафсил тушунтиришлари керак бўлади. Ўсмир ўғил бола учун жинсий тарбия унинг бўлғуси эркак, оилани боқувчи етук шахс бўлиб етишишида нечоғли зарур бўлса, қизлар ҳаётида у аввало соғлиғини қадрлашда, шунингдек, ўзини ҳимоя қила билиш, хўрлаш ва хўрланишнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Тўғри, ота-она ва фарзанд ўртасидаги мулоқотлар, очиғи, шарқ одоби, миллатимиз урф-одатига мос эмас, деган андишада бўлдик кўп йиллар. Соғлом оила ва жинсий ҳаёт ҳақида яқингача гапирилмас эди. Лекин кишиларнинг хулқидаги ўзгаришлар, ҳаётимизга кенг кириб бораётган чет эл ахборотлари, телевидениенинг турли каналлари орқали қўйилаётган ажнабий асарлар, видеокассеталарга ёзиб олиб, пулланаётган беҳаё фильмлар, айрим журналлар ва китоблар бу борада очиқ фикр юритишга мажбур этмоқда. Зеро, тиббий маданият, жинсий тарбиянинг асл моҳиятига тушуниб етмаслик оқибатида юзага келаётган турли нохуш воқеалар натижасида муқаддас чимилдиққа покизалик билан кириш насиб этмаган ёшлар озмунчами?..



Яқинда республикамизда ҳайрли ишга қўл урилди. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги раҳбарлигида, вазир ўринбосари, профессор А.Комилов таҳрири ва муаллифлар гуруҳи профессорлар Ж.Қурбонов, Д.Маҳмудова, М.Асатова ҳамда вазирликнинг Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш Бош бошқармаси бошлиғи Н.Туреевалар томонидан "Соғлом она - соғлом бола" туркумига кирган "Ўсмирлик даври ҳақида", "Ўсмир қизлар олами", "Ўсмир болалар олами", "Азиз келин-куёвларга", "Бахтли она бўлинг" каби рисолалар тайёрланди. Мазкур қўлланмалар кенг доирадаги ўқувчиларга, ўсмирларга, уларнинг ота-оналарига, оилавий ҳаёт остонасида турган ёшларга ва ҳомиладор аёлларга мўлжалланган. Улар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Аҳолишунослик жамғармаси ваколатхонаси, "Соғлом авлод учун", "Ибн Сино" жамғармалари, Республика Халқ таълими вазирлиги ҳомийлигида Ибн Сино номли нашриётда юз мингдан ортиқ нусхада чоп этилди.

— Мазкур қўлланмаларни яратишдан аввал,— дейди Ж.Қурбонов, — биз чет эллик олимларнинг шу йўсинда тайёрланган адабиётлари билан танишиб чиқдик. Ўз менталитетимиз, урф-одатларимиз, одоб-ахлоқ нормаларимиз доирасида фарзандларимизга жинсий ҳаёт тушунчасини, унинг йигит ва қиз, бўлажак ота-оналар ўртасида учрайдиган турли юқумли хасталикларнинг олдини олишдаги, соғлом фарзанд туғилишидаги аҳамиятини англатишга интилдик. Жумладан "Азиз келин-куёвларга" мўлжалланган қўлланма оила қуриш бўсағасида турган ёшларга эслатма тарзида яратилди. Маълумки, наслнинг давом этиши икки жуфтнинг — эркак ва аёлнинг жисмоний, руҳий, маънавий ва биологик жиҳатдан мос келиб, оила қуриши орқали амалга оширилади. Никоҳнинг қимматли аҳамияти наслни соғломлаштиради, оилада соғлом турмуш тарзини вужудга келтиради. Шунинг учун ҳам бокиралик, номус туйғусининг шарафланиши давримизгача етиб келган ва ҳозир ҳам ўз қадрини йўқотгани йўқ. Кези келганда шуни айтиш керакки, бокиралик маъноси фақат қиз бола учунгина эмас, балки йигитларга ҳам тегишли бўлган тушунчадир. Шу боис Оила кодексида никоҳланувчиларнинг тиббий кўрикдан ўтиши кўрсатилган. Агар йигит ёки қизда бўлажак ҳаёт учун хавф солувчи касалликлар аниқланса, никоҳгача уларни даволаш ва дарддан ҳоли бўлиш имконияти бўлади. Бу эса никоҳдан кейин содир бўлиши мумкин бўлган салбий ҳолатларнинг олдини олади.

Оилада биринчи фарзаднинг дунёга келиши оила аъзолари учун бахтли ҳодисадир. "Бахтли она бўлинг" деб номланган қўлланмани аслида аёлнинг туғишдан олдин, туғиш пайтида ва фарзанди туғилгандан кейинги даврдаги саломатлик йилномаси, деса ҳам бўлади. Чунки унда ҳомила пайдо бўлган илк ойдан бошлаб, то бола туғилгунга қадар бўлган вақт мобайнидаги ўзгаришлар, туғруқдан кейинги чилла даври, янги туғилган чақалоқни парваришлаш ҳақида маслаҳатлар берилган. Қўлланманинг энг эътиборли томони унда қайноналарга ҳам тегишли гаплар айтилганидир.

Ишончимиз комилки, бу рисолалар ёшларни оила қуришга тайёрлаши, уларнинг тинч-тотув ва бахтли ҳаёт кечиришларида, соғлом фарзанд кўришларида, насл-насабли зурриёд қолдиришларида муҳим дастур бўлиб хизмат қилади.

Умида ФАЙЗИЕВА,
"Халқ сўзи" мухбири.

Кашфиёт давом этади

Академик Ҳабиб Абдуллаев номли шоҳ кўча бўйлаб борар экансиз, йўлнинг кенг ва равонлиги, бекатларнинг замонавийлигию, кета-кетгунча чаман бўлиб ётган турфа ранг гуллар баҳри-дилингизни яйратади. Айниқса, куз куёшининг заррин нурларида тиллодек товланиб турган сап-сариқ гуллар ҳавасингизни келтиради. Олтин фаслнинг бундай бетакрор гўзаллиги руҳингизга ажиб бир хушнудлик бахш этиб, дилингизни завқ-шавққа тўлдиради.

— Бу томонларга кўпдан буён ўтганим йўқ эди, — дедим менга ҳамроҳлик қилиб бораётган олим йигитга қараб. — Жуда обод бўлиб кетибди.

— Олимлар зўр ишлаяпти-да, ака, — деди у ҳам қувониб.

Машинамиз чапга бурилиб, кўп қаватли бино олдида тўхтади.

— Келдик, — деди ҳамроҳим машинадан тушар экан. — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг умумий ва ноорганик кимё институти мана шу бўлади. Бир кам етмиш ёшда. Эшитган бўлсангиз, академия тизимида фаолият кўрсатаётган ўсимлик моддалари кимёси, биорганик кимё, полимерлар кимёси ва физикаси институтлари худди ана шу даргоҳнинг енгидан чиққан, — давом этди ҳамроҳим эшиги очиқ турган лабораторияга таклиф этиб. — Умуман, мамлакатимизнинг йирик илмий марказларидан ҳисобланган бу институтда бир юз элликдан ортиқ илмий ходим турли йўналишлар бўйича тадқиқот ишларини олиб бормоқда. Уларга уч академик, йигирма бир фан доктори ва ўттиз етти нафар фан номзоди раҳбарлик қилмоқда. Замонавий асбоб-ускуналар ва ҳисоблаш техникалари билан жиҳозланган ўн олтита лабораторияда кашфиётлар йўлида изланишлар давом эттирилмоқда. Асосий илмий йўналишимиз мамлакатимиз халқ хўжалигининг турли соҳаларига юқори сифатли маҳсулот олиш учун минерал ҳомашёлари ва саноат чиқиндиларини кимёвий қайта ишлашнинг илмий ва амалий асосларини ишлаб чиқишдан иборат.

Дарҳақиқат, институт лабораториялари иши билан танишар эканмиз, эзгу мақсад йўлида астойдил меҳнат қилинаётганлигининг шоҳиди бўлдик.

Илмий лабораторияларда

Кимёвий технология жараёнлари ва қурилмалари йўналиши бўйича илмий-амалий иш олиб бораётган Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги Зокиржон Салимов пахтани қайта ишлаш ва ёғмой корхоналари атрофидаги ҳаво таркибида бўлган толали чангларни тутиб, улардан ишлаб чиқаришда қайта фойдаланиш ҳамда экологик шароитни яхшилаш долзарб муаммолардан эканлиги ҳақида гапирди.

— Изланишларимиз натижаси ҳавони толасимон чанг заррачаларидан нам усул билан тозалайдиган юқори самарали қурилма яратиш имконини берди. Ушбу қурилманинг чанг тозалаш даражаси қарийб юз фоизга тенг.

Яна бир мисол — совун ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хомашё олишнинг истиқболли усули ҳақида. Маълумки, пахта ёғини тозалаш жараёнида ҳосил бўлган чиқинди (соапеток) таркибидаги ёғ кислоталари аралашмасини пальмитин ва олеин кислота (фракция)ларига ажратилади. Демак, пальмитиндан кир совуни, олеиндан лак-бўёқлар, резинатехника буюмлари ишлаб чиқаришда ва саноатнинг бошқа тармоқларида фойдаланиш мумкинлиги тажрибада исботланди. Бугунги кунда эса бундай илмий ечимлардан Чирчиқдаги қийин суюқланувчи ва ўтга чидамли металлар комбинатида, «Оҳангаронлинпласт» ҳиссадорлик жамиятида, Бухоро, Когон, Қарши ёғ- экстракция заводларида кенг фойдаланилмоқда. Катта иқтисодий самарадорликка эришилмоқда. Айни пайтда заводлар атрофидаги экологик муаммолар ҳам ҳал этилмоқда.

Мамлакатимиздаги нефть конларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, технологик жараёнларни жадаллаштириш, ишлаб турган қурилмаларни мукаммаллаштириш ва янги чиқиндисиз, экологик жиҳатдан соф технологияларни қўллаш орқали «қора олтин»ни қайта ишлашни такомиллаштириш — шу куннинг устувор вазифаларидан ҳисобланади. Бундай кенг кўламли ишни амалга ошириш учун, шубҳасизки, институтда янги йўналиш очиш қанчалик мураккаб бўлмасин, академик Зокиржон Салимов ташаббусни қўлга олиб, нефть кимёси ва нефтни қайта ишлаш соҳасини ташкил этишга бел боғлади. Энг муҳим масала — нефтни қайта ишлаш учун зарур бўлган катализаторларни яратиш эди.

— Ҳозирча четдан сотиб олинаётган бу маҳсулотни ишлаб чиқариш ўзимизда йўлга қўйилса, йилига 280 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағни тежаш мумкин бўлади, — дейди Зокиржон Салимов биз билан суҳбатда.

Кўриниб турибдики, қўйилган масала илмий нуқтаи назардан ҳал этилиб, амалиётга тайёр қилиб қўйилган. Шу ўринда яна бир гапни айтиш жоизки, нефтни қайта ишлаш жараёнида унинг талайгина қисми мазутда қолиб кетяпти. Айниқроқ қилиб айтганда нефтни қайта ишлаш 60-65 фоизни ташкил этмоқда. Бу иш янги технология асосида амалга оширилганда самарадорлик 30-35 фоизга ошиши мумкин. Бир сўз билан айтганда, таркибида кўп миқдорда парафин ва олтингугурт ушлаган Ўзбекистон нефтларини гидрогенлаш ва гидроизомеризациялаш жараёнларини жадаллаштириш учун нодир бўлмаган металлар асосида янги кўп функцияли катализаторларнинг таркиби топилиб, уларни ишлаб чиқиш технологияси бунёд этилди.

Институтда фосфорли ўғитларни ишлаб чиқиш борасида олиб борилаётган ишлар ҳам диққатга сазовордир. Айниқса, Марказий Қизилқум фосфоритидан аммонийлаштирилган оддий суперфосфат олиш технологиясининг яратилиши катта самара берди. Шу йўл билан ҳиссадорлик жамиятида 150 минг тонна фосфорли ўғит ишлаб чиқарилганлиги Қозоғистондаги Қоратоғ фосфоритини сотиб олишга сарфланадиган 3,2-3,5 миллион АҚШ долларини иқтисод қилиш имконини берди. Аммо, бу ишга ҳали нуқта қўйилгани йўқ. Янги-янги тажрибалар ўтказилиб, ижодий изланишлар давом эттирилмоқда.

Пахта кўсагининг етилиши ва очилишини тезлаштирувчи, кам заҳарли, юқори самарали янги дефолиантлар яратиш ҳам институт олимларининг диққат марказида. Академик Саидаҳрор Тўхтаев раҳбарлигида шу кунгача яратилган «Ҳаёт» ва «Мезон» сингари дефолиантлар Давлат кимё комиссияси томонидан синовдан ўтказилиб, қишлоқ хўжалигида кенг қўлланилмоқда. Замонавий агрокимё фани талабларига тўла жавоб берувчи, чет эллдан келтирилаётган препаратлар ўрнини босувчи «Сиҳат» ва «Сардор» деб номланган янги дефолиантлар ҳаётий тажрибада ҳар томонлама қулай ва юқори сифатли эканлигини намойиш этди. Буларни институт олимларининг кейинги йиллардаги арзигулик кашфиётларидан десак хато бўлмас.

Олмония, Италия, Франция, Россия, Украина, Грузия, Қозоғистон сингари ўнлаб мамлакатлар олимлари билан дўстона илмий ҳамкорлик қилаётган институт жамоаси яқинда ажойиб бир хушхабарнинг гувоҳи бўлди. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги, кимёвий технология жараёнлари ва қурилмалари соҳаси бўйича ўзига хос мактаб яратган устоз олим Зокиржон Салимов кейинги йиллардаги истиқболли фундаментал илмий-тадқиқот ишлари учун «Халқаро иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти»нинг биринчи даражали мукофоти билан тақдирланибди.

Нуриддин ОЧИЛОВ.

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

Шов-шувли хабар

Аргентина матбуоти Бразилия фан ва технология вазири Роберту Амараланинг сўзларини шов-шувли хабар деб баҳоламоқда. Амараланинг айтишича, унинг мамлакати «атом бомбаси технологияларини билиши лозим». Шунингдек, вазир ядровий тадқиқотлар космик лойиҳалар сингари ҳукумат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканлигини ҳам таъкидлаган.

«РИА «Новости» агентлигининг маълум қилишича, Амарала Бразилия «ядро қуролининг тарқатилишига қарши ва мамлакат бу ҳақдаги шартномани ҳам имзолаган»лигини таъкидлаган.

Ҳукм ўқилди

Конго Демократик Республикасининг ҳарбий суди мамлакат президенти Лоран Кабилани ўлдиришга дахлдор бўлган 26 кишини ўлим жазосига ҳукм қилди. Умуман, ушбу жиноий иш бўйича 135 киши ушланган эди. Уларнинг 40 нафари судда оқланди. Қолганлари ҳар хил муддатга қамоқ жазосига ҳукм қилинди.

«Рейтер» агентлигининг маълумотига кўра, Лоран Кабила 2001 йилнинг январь ойида тансоқчиси томонидан отиб ташланган эди.

Нефть арзонлашади

ОПЕКнинг фавқулодда сессияси шу ҳафтанинг якшанба куни Венада бўлиб ўтади. Бу ҳақда ташкилотнинг расмий вакили маълум қилган. Бундан бирмунча аввал ОПЕКка аъзо давлатлар энергетика ва нефть вазирлари «қора олтин» нархининг келажакда кескин кўтарилиб кетмаслиги учун нефть қазиб олишни кўпайтириш масаласини муҳокама қилишган эди.



«ИТАР-ТАСС» агентлиги мухбирининг таъкидлашича, фавқулодда сессия чақириш ҳақидаги маълумот нефть нархининг пасайишига олиб келди.

Мажбуриятлар бажариладими?

АҚШ ҳукумати Шимолий Кореяга ҳеч қандай шартларсиз музокаралар бошлашни таклиф қилди. Аммо Оқ уй ушбу давлат билан унинг ядро дастурини муҳокама қилмаслиги ҳақида огоҳлантирди, деб хабар беради «Ассошейтед Пресс» агентлиги. Шундай қарор АҚШ ҳукуматининг Жанубий Корея ва Япония вакиллари билан ўтказилган икки кунлик музокаралардан сўнг қабул қилинди.

Давлат департаменти матбуот котиби Ричард Баучернинг айтишича, музокаралардан мақсад— Пхеньяннинг жаҳон ҳамжамияти олдида олган мажбуриятларини қандай бажараётганини аниқлашдир.

Ҳарбий кучлар кўпайтирилмоқда

Туркия Ироқ шимолидаги ҳарбий кучларини икки бараварга кўпайтирди. Шундай қилиб, ҳарбийлар сони 12000 кишини ташкил қилмоқда, деб хабар беради «Ассошейтед Пресс» агентлиги.

Туркия, агар Ироққа нисбатан уруш бошлангудек бўлса, ўз манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ана шундай амалиётларни ўтказмоқда.

Муҳожирлар чиқариб юборилади

«Рейтер» агентлигининг маълумотига кўра, Ҳиндистон Ички ишлар вазирлиги жорий йилда 20 миллиондан зиёд бангладешлик ноқонуний муҳожирларни мамлакатдан чиқариб юборишини маълум қилган.

ИИВ вакилининг айтишича, мамлакатда кўп сонли ноқонуний муҳожирларнинг кун кечириши осойишталикка хавф туғдирмоқда.

«Пианиночи»нинг ғалабаси

Миллий кинотанқидчилар жамияти режиссёр Роман Паланскининг

«Пианиночи» фильмини йилнинг энг яхши фильми деб топди. Р.Паланскининг ўзи эса йилнинг энг яхши режиссёри бўлди. Мазкур фильм булардан ташқари яна иккита мукофотга лойиқ топилди. Картинада бош ролни ижро этган актёр Энриен Броуди энг яхши актёр, сценарий муаллифи Рональд Хорвуд энг яхши сценарийчи, деб эътироф этилди.

Ҳазилнинг таги зил

Германияда бир киши ҳибсга олинди. Айбловчи томонининг айтишича, у интернет орқали хат ёзиб 11 сентябрда содир этилган террорчиликни қўллаб-қувватлашини билдирган. Ҳибсга олинган Хальгер Восснинг сўзларига қараганда, уни нотўғри тушунишган. У фақат ҳазил қилган, холос. Мюнстер шаҳри судининг вакили Юрген Вробелнинг таъкидлашича, ушбу хат ҳазил ёки жиддийлигини фақат суд ҳал қилади. Бу ҳақда «Би-би-си» хабар берган.

Konica ва Minolta бирлашмоқчи

Японияннинг фотоускуналар ишлаб чиқарувчи Konica ва Minolta компаниялари бирлашишини эълон қилди. Натижада жаҳон бозорида савдо айланмаси 8 миллиард АҚШ долларига эга компания пайдо бўлади.



«Компаниялар айни пайтда ушбу масалани муҳокама қилишмоқда» — деди Minolta вакили Итиро Сираи.

«Би-би-си»нинг маълум қилишича, бу икки компания ҳозирги кунда кескин рақобатда фаолият юритишмоқда. Sony компанияси рақамли фотокамералар ишлаб чиқариш бўйича ҳар иккала компаниядан ўзиб кетганидан сўнг улар офис ускуналари ишлаб чиқаришга кўпроқ эътибор қаратиш ва ўз маблағининг бир қисмини принтер ва нусха кўчириш, ускуналари ишлаб чиқаришга йўналтиришмоқчи.

Сира-сира ботмайдиган ой

Бўйи етган қизи бор хонадон мисоли карвонсарой экан. Буни яхши билган Нафас чавандоз қизи Кариманинг ўзига тенгдош йигитларга эмас, балки Ғаффор исмли йигитдан келган совчиларга ройиш билдирганлигини эшитиб, бир қоши баланд, бир қоши паст бўлди. «У болани биламан, яхши бола, аммо шундай гул қизимни хотини ўлган йигитга раво кўраманми?..» Отанинг самон янглиғ ловуллаган ғазабига хотини сув сепди: «Тўғри, дадаси, қишлоқда қизимизнинг тенги кам топилади... Лекин кўнгил, деган қурмагурга қулоқ солмасак қалай бўларкин?»

Чавандоз ўзи минган жаҳл отидан олти ойдан кейин тушди. Бунгача унинг дарвоза турумини не-не одамлар тақиллатмади. Ғаффорнинг совчилари зўр келди. Туфлиларининг товони пиёз пўсти бўлиб кетган ана шу совчилар охирги маротаба келганларида лабларининг зийида қаноат аталмиш бир табассум, қўлтиқларида эса оқлик аталмиш оқ мато бор эди. Бу Чақиру Намингон, бу Жўлангару Совот қишлоқлари йил ўн икки ой ёввойи ялпизлар ҳидидан маст яшайди. Агар ана шу ҳид бўлмаганида ҳам Ғаффор ўзини барибир жаннатда юргандек ҳис қиларди. Негаки ҳар тонг унинг ҳовлисини Карима аталмиш бир сулув супуриб-сидиради. Ҳар тонг ана шу малак унинг қўлига бир пиёла чой узатади. Негаки шу пари-пайкар онасиз қолган ўксик дилли Ҳасан-Ҳусанлари атрофида гиргиттон.

Аммо бахт деб аташ мумкин бўлган бу онлар улар учун капалак умридек қисқа, саратон тунидек бир тутам экан. Яширин дард Ғаффорни тўшакка михлаб қўйди. Аввал Баландчақирда, хасталик бўй бермагач Янгиер шаҳрида даволанган Ғаффор кун сайин сўлиб борди. Бир оёғи қишлоқда, бир оёғи шаҳарда бўлган Карима юрса ҳам, турса ҳам эрига шифо тилади.

Ғаффор узилган куни ҳамқишлоқлари худди келишиб қўйгандек «Кариманинг пешонаси асли шўр экан...» деган гапни айтишди. Норасида гўдаклар билан ёлғиз қолган жувон бу гапларга тескари қаради. У аламини боғдан олди. Кўйлагини липпа уриб, ток чопди. Қайчи ғижимлаб, хомток қилди. Ёзда ҳовлию том тепасига узум ёйиб, майиз қуритди. Кеч кузу қиш кезлари эса қоп-қоп майиз елкалаб, автобусда шаҳарга қатнади.

Она қуйгани билан отанинг кўнглидаги муштдек муз парчаси ҳадеганда эримади. Карима ўзи пиширган ошни ўзи ейишга мажбур эди.

Қўйнинг тўрт оёғини кўлаклаб жун олаётган Каримага баъзи ҳамсоялари ачинди, баъзилари эса унинг бу қилиғини кўриб лаб бурди. У сув келса симириб, тош келса кемириб яшашга мажбур эди. Эрининг уруғлари Ҳасан билан Ҳусанни ўғилликка олмоқчи бўлиб, хўп ҳаракат қилишди. Карима кўнмади. Карима қарши турди. Қарши туришга юрагини шерик қилиб олди. Ҳасан-Ҳусанларсиз ўзи учун ҳаёт йўқлигини, борингки бу ҳаёт бор бўлса-да ўзи учун, қалби учун йўқ эканлигини Карима аллақачон англаб етганди. Қишлоқнинг дастурхончи хотинлари гоҳо-гоҳо бундай дейишарди: «Жувон ўлмагур, сенинг бундай юришинг аслида гуноҳ бўлади. Сени дея не-не йигитлар кўкрагини захга босиб ётибди. Бировнинг боласи сенга бола бўладими? Вақт ўтгач, «аттанг» деб биқинингни ўясан...»

Жувоннинг бундай тагдор гапларга қулоғи кар, тили эса гунг эди.

Кунлар ойларнинг, ойлар эса йилларнинг этагидан ушлаб югуриклаб кетди. Ҳасан билан Ҳусаннинг ўртасига тушиб биринчи бор мактабга борганда Каримани бутун қишлоқ томоша қилди. Иккисини қўлидан тутиб мактабдан қайтганда яна шу қишлоқ уни кузатиб турди. Орадан йиллар ўтди. Эндиликда энг тили бурро хотинлар ҳам, энг қадами бежо йигитлар ҳам Каримага рўбарў бўлолмасдилар. Ундаги қатъият, ундаги азму қарор кўпни ҳовуридан тушириб қўйганди.

Ўғиллари қиличдек йигит бўлиб улғайишди. Алпқомат ака-укаларнинг қиз боладек мулойимлигини кўрганлар ҳайрон бўлишарди. Бири боғда ер ағдарса, иккинчиси молга қарарди. Бири ток чопса, иккинчиси сойдан сув таширди.

Кариманинг сочларига андак қиров қўнди. Нақш юзларига битта-ярим ажин ораладди. Карима қўшни қишлоқлардаги хонадонларга келин илинжида совчи жўнатиб, оғиз солди. Боши осмонга етган бўлажак қуда-қудағайлар меҳмонлар олдига югуриб-югуриб тўкин дастурхонлар ёзди.

Тўйга худодан қўрқиб, халқдан уялган чавандоз ҳам келди. Келганда ҳам новвос етаклаб, қўни-қўнжи тўлиб келди. Базм адоғига етар чоғи чавандоз чидамади. Қизининг елкасидан қучиб шовуллаб келган кўз ёшларига эрк берди. Отанинг нега бундай қилганлигини эл биларди. Эл Карима қайта эр қилганда кўп-кўп болалар орттиришини, улар ўзганинг эмас, ўзининг жигаргўшалари бўлишини кўнглидан ўтказиб турарди.

Бироқ...

Мен ўша тўйда Каримани хўп кузатганман. Кузатишга кузатиб орадан шунча йиллар ўтса ҳам унинг қалбидаги сирсиноат мағзини ҳеч тушуниб етмаганман. Бу сирли ҳисларни ишқ десам ишқдан улуғроқ, ўзни бағишлаш десам, ундан-да юксакроқ туйғуларга ўхшаб кетаверади.

Кариманинг юрагидаги ана шу ўйларни туриб-туриб, тарозига қўйиб-қўйиб, сира-сира ботмайдиган ойга қиёсладим. Кўкламу ёзда боғларда «чахчах» урган булбуллар бизни ташлаб иссиқ ошёнларга учиб кетишади. Савр ёмғирларига чўмилиб ўзлигини кўз-кўз қилган майсалар саратон жазирамасига дош беролмай қуриб-қовжираб қолади. Энг равон йўллар ҳам бора-бора йўқолиб кетади. Далв изғиринлари эсганда эса биз бевафо қуёшни соғиниб яшаймиз.

Карималар қалбидаги ой эса на ботишни, на ҳордиқни билмай нур таратгани-таратган.

Бу ойнинг тафти минглаб қуёшлар тафтидан кучли, минглаб қуёшлардан-да ҳаратлидир.

Алиқул ХОНИМҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Меҳр қолур...



Суратдаги бу болакайлар Юнусобод туманидаги 154-болалар боғчаси тарбияланувчиларидир. Уларга боқиб Ўзбекистоннинг бўлажак бунёдкорлари шулар-да, дегинг келади. Чунки уларга Республика Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган «Учинчи минг йилликнинг боласи» таянч дастури асосида машғулотлар ўтказилади. Дастурда миллийликка, ўзбек халқ эртаклари, буюк алломалар ҳақидаги суҳбатлар, қадимий шаҳарларимиз, миллий байрамларимизга кенг ўрин берилган. Булар албатта болалар тарбиясида катта аҳамиятга эга.

— Боғчамиз эстетик йўналишда фаолият кўрсатади, — дейди болалар боғчаси мудираси Нодира Пўлатова. — Кичкинтойларимиз билан машғулотлари ўйин ва суҳбат тарзида ташкил этилган. Шу боис ҳам улар зерикиб қолишмайди. Болаларнинг эркин ва мустақил фикрлашига эришаяпмиз.

Шунингдек, болажонлар боғчада фаолият кўрсатаётган инглиз тили, рақс, каратэ каби тўгаракларга ҳам қатнашадилар.

Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат.

Ўзига ишонган Болалар

«Қизириқ овози» деган газета яқинда «Дунё Қизириқни танимоқда» деб мақола босди.

Қизириқ — Сурхондарёнинг кичкина бир тумани. 88 мингтача аҳолиси бор. Одамлари чўлни ўзлаштириб, ўша ерларда пахта, ғалла экишади. Саноати, қурилиши, инфратузилмаси ўзига яраша — ҳаминқадар.

Биз айтаётган газета шу туман ҳокимлигининг нашри. У мақолани осмондан олиб босгани йўқ: — «Ўқитишни такомиллаштириш» йўналишида СОРОС фонди томонидан ўтказилган машғулотларда туман вакиллари фаол қатнашгани, АҚШнинг АКСЕЛС танловида ўқувчи ва ўқитувчилар маҳорати катта эътироф қозонгани, Проэктерэндтембл ташкилотининг «Жозибали табассум» расмлар кўриктанловида 4 та қизириқлик ўқувчи пешқадам бўлгани каби ютуқлар мақолага асос бўлган.

Фахр

Қизириқ тумани ёшлари ва айниқса, мактабларнинг ўқувчилари бугун бошқача шижоат билан яшамоқдалар. Узоқларни кўзлаб, дунёни таниб, дунёга талпиниб яшамоқдалар. Дунё ҳам Қизириқни танимоқда мақоланинг бизга таъкидламоқчи бўлган гапи-ку. Қувват бўлсин деб шу қутлуғ гапга айрим таассуротларимизни уламоқчимиз.

Қизириқда 46 та умумий ўрта таълим мактаби бор. Шундан 17 таси махсус биноларда, 29 таси мослаштирилган биноларда жойлашган. 24 та мактаб табиий газ билан иситилади, 36 тасида ичимлик суви тармоғи бор. 10 тасида бўлса электрон ҳисоблаш машиналари мавжуд. 21 минг ўқувчи таҳсил олмоқда.

Бу ўринда биз мактабларнинг ташқи кўринишию таъмирию бошқа муаммолари ҳақида тўхталмаймиз. Ўқитувчилар ҳақида мулоҳазаларимизни ҳам кейинга қолдирамиз. Мен эртага ота-онамнинг, элимнинг, Ўзбекистоннинг белига қувват бўламан деб шайланаётган ўқувчи болалар ҳақида гапирамиз. Ахир биз эслаган дунё Қизириқни танимоқда деган гапнинг асл мазмуни, суянчи ва устуни шу болалар.

Газетадан мен 14-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Ботир Менглиев ёзган ҳикояни ўқиб қолдим. Жумлалар равон, тил ширали. Газетада босилган суратига эътибор қиламан. Ва беихтиёр кўзлари Абдулла Қодирийникига ўхшар экан, деган гап хаёлимга келади.

Ботир яқинда «Зиё берган маскан» номли қўлёзмаси билан республика Халқ таълими вазирлигининг БМТ Болалар фонди (ЮНИСЕФ) ҳамкорлигида ўтказган кўрик-танловида қатнашибди. Ижодий иш намуналари қатори қўлёзма чоп этиш режасига киритилибди.

Ҳамқишлоқлари Ботирни, ўзимизнинг Абдулламиз дер эканлар. Қодирийга, Қаҳҳорга, Ориповга, хуллас, Ўзбекистонга муносиб Абдулла бўлади дейишаркан.

Ботирнинг хотираси ўткир. Феъли хотиржам.

Чоршанби Жумаев бўлса Ботирдан бир ёш кичик. 19-мактабнинг 7-синф ўқувчиси. Бундан икки йил олдин, ким бўлмоқчисан деган саволга Қодир бободай, Шоберди бободай бахши бўламан деб жавоб қиларди. Ҳозир бўлса ўзини тутиб олган. Тиллари бийрон. Мен Чоршанби бахши бўламан, дейди дадил. Қўшниси Абдиназар бахшининг сабоқларини у тез илиб олди. Дўмбирани гумбирлатиб чертадиган бўлди. Овози тез эпга келди. Термизийлар ҳақида, Сурхондарёнинг полвонлари ҳақида достонлар, термалар силсиласини яратмоқчи эмиш. Ниятнинг улуғлигини қаранг-да.

Чоршанби математикага қизиқади. Битта булутдан нима учун гоҳи ёмғир ва гоҳи қор ёғишини ўйлаб ажабланади. Бензин билан ишлайдиган двигателни сув билан ё ҳаво билан ишлатадиган қилиб ўзгартириб бўлмасмикин, деган хаёлларга боради. Нима бўлгандаям бахши-да, хаёллари ўзидан ўн қадам, юз қадам илгари юради.

Қундузой Ўролова ҳам бугун элига танилган ўқувчи. Шеър ёзади ва қизиғи, шеърларини ўзи инглиз тилига эркин ўгиришни билади. Яқинда бир ишга қўл урди. Мактабда инглиз тилини ўқитишга бағишлаб қўлланма ёзди. «Конституциямиз бахтимиз пойдевори» сарлавҳали иншосига бўлса вилоят танлови ҳайъати биринчи ўринни берди.

— Биз, ўғил-қизимиз каттарганда ўз нонини ўзи топиб ейдиган бўлсинда ишқилиб, дердик, — дейди «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби, 2-мактаб директори Бозор Жўраев. — Ўғил-қизларимиз ҳам, менимча, шу ниятимизга яраша. Тўғри, беш қўл баробар эмас. Болалар таълими ва тарбиясидаги ишларимизни «олам гулистон» иборасига менгзаб мақтамаймиз. Лекин уфқларимизда юлдузлар порламоқда. Ботир бўлиб, Чоршанби ва Қундузойлар бўлиб, улар биз катталар вақтида журъати етмаган гапларни айтишмоқда. Бизни дунё танийди, биз ҳеч кимдан кам эмасмиз. Ҳеч кимдан кам бўлмаймиз дейишмоқда.

Мана бизнинг таскинимиз. Мана бизнинг умидимиз. Қувватимиз.

Назаримда, энг нуфузли одамлар ҳақида гап очилса, аввало, пешқадам ўқитувчилар тилга олинади. Жўраев ҳам ўшалар қаторидаги устозлардан. Ният улуғ бўлсин экан, — дейди у. — Ният, ахир ерда қоладиган матоҳ эмас.

Олимжон УСАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Спорт юлдузлари

«Ҳужум қироли» бўлиш осонми?

Шаҳрихон шаҳридаги Девони эшон (ҳозирги Шаҳрихон) маҳалласида яшаган Ҳамидулла ака футболнинг чинакам шинавандаси эди. У ўғлининг футболчи бўлишини орзу қиларди. Бироқ набираси Бахтиёр...

Ҳамидулла ака хонадонларининг ёнидаги мактаб спорт майдонида набирасининг тўп сураётганлигини кузатиб борар, Бахтиёр оиламиз номинигина эмас, бутун Ўзбекистон футболини юқори кўтаради ҳали, дея қайта-қайта таъкидларди.

Набирасининг Андижон шаҳридаги "Олимпия ўринбосарлари" спорт мактабига қабул қилинганлигидан бобонинг боши осмонга етди.

Бахтиёрнинг катта футбол сари йўли осон кечди. Билим юртини тугатиши билан уни Хўжаободнинг "Мадиёров" футбол жамоасига таклиф этишди. Кўп ўтмай республика чемпионатининг 1-лигасидаги "Шаҳрихон" клуби Б.Ҳамидуллаевни жамоага қабул қилди. 1997 йили "Андижон" жамоасининг бош мураббийи С.Шевченко "Шаҳрихон"да тўп сураётган ёш футболчининг иқтидорини сезмай қолмади. Шу йилиёқ Ҳамидуллаев олий лигада тўп сура бошлади.

Тез орада у "Андижон"нинг асосий таркибидан мустаҳкам ўрин олди. Албатта, майдонда ҳар бир футболчининг ўз ўрни ва вазифаси бор. Лекин рақиб дарвозасига тўп киритиш ўйиннинг чўққиси, ҳал қилувчи палласидир. Кўпчилик мутахассислар фикрича, бугунги кунда Бахтиёрга етадигани нафақат Андижон, балки Ўзбекистонда ҳам кам топилади. Кейинги йилларда у олий лига тўп урарлар баҳсида доим пешқадамлар қаторида бўлаётир. Бахтиёрнинг олий лигада шу бугунгача киритган тўплари 121 тага етди. У яқин йилларда тўп уриш бўйича мамлакат рекордини ўрнатиши мумкин.

Бу йил Бахтиёр Ҳамидуллаев вилоятнинг энг яхши спортчиси қаторидан жой олди, энг яхши футболчиси бўлди. У 11-чемпионатда тўп урарлар баҳсида 22 тўп киритиб, биринчи ўринни эгаллади, — 2 бор покер (1 ўйинда 4 та тўп киритиш)га эришгани учун "ҳужум қироли" совринига мушарраф бўлди.

Янги йил олдидан Бахтиёр билан суҳбатлашиш учун Шаҳрихонга, унинг уйига бордик. Бу ерда бизни қаҳрамонимизнинг отаси Тоҳиржон, онаси туман ижтимоий таъминот бўлими мутахассиси Юлдузхон, катта буриси Қундузхон ая очиқ чеҳра, ўзбекона меҳмондўстлик билан кутиб олдилар. Кўп ўтмай Бахтиёр, укаси Андижон спорт коллежи талабаси Дониёр, футбол мухлислари Шавкатбек Тоиров, Соибжон Абдуллаев, Дилмурод Тошпўлатова, Маъмурбек Ҳасановлар етиб келдилар.

— Футбол ўйнаб келяпмиз, — деди Шавкатбек, — Бахтиёр шунчаки жон қуйдирмай ўйнади. Дониёр дарвозага ажойиб голлар киритди. Биз машҳур футболчи билан бирга тўп сурганимиздан роҳат қилдик.

— Қайфият қалай?

— Ёмон эмас.

Кўпчилик бўлиб видеотасмага туширилган тасвирларни томоша қилдик. Уларда Бахтиёр Ҳамидуллаевнинг республика миллий чемпионатларида, халқаро турнирларда рақиб дарвозаларига киритган тўплари туширилган экан. Мана, 1999 йили Малайзияда ўтказилган "Мердека" халқаро турниридаги тасвирлар. Унда иштирок этган Ўзбекистон терма жамоаси сафида Ҳамидуллаев мамлакатимиз футболчиларининг турнир ғолиби бўлишларига муносиб ҳисса қўшганди. У ҳал қилувчи ўйинда Босния — Герцеговина терма жамоаси дарвозасига Ўзбекистонга ғалаба келтирган ягона олтин тўп муаллифи бўлганди.

— Бу сиз учун шу кунгача бўлган энг эсда қоларли ўйин десак муболаға бўлмас? — деб сўрадим Бахтиёрдан.

— Йўқ, — деди. — Мен учун энг эсда қолган ўйин миллий чемпионатда Андижоннинг "Пахтакор" устидан ғалаба қозониши бўлди. Унда ягона тўпни мен эмас, Отабек Пирматов киритганди. Биз ўшанда биринчи бор "Пахтакор"ни мағлуб этгандик.

— Рақиб дарвозасига сиз томонингиздан киритилган энг чиройли тўп қайси?

— Ҳозиргидай эсимда, "Шаҳрихон" жамоасида ўйнардим ўшанда. Бухоронинг "Ситора" жамоаси дарвозасига тўпни йиқилаётиб, қайчи усулида киритгандим.

— Мамлакатимиздаги жамоаларда бош мураббийлик қилаётганларнинг энг зўри ким?

— Сергей Шевченко.

— 2003 йилдан нималарни кутаяпсиз?

— Тинчлик бўлмаса, футбол ҳам бўлмайди. Шунинг учун юртимиз осмони мусаффо бўлсин. Мамлакатимиз, вилоятимиз жамоаларига омад қулиб боқсин!

Суҳбатга Бахтиёрнинг отаси қўшилди:

— Худо хоҳласа, 2003 йили Бахтиёр Андижон давлат университетини тамомлайди. Уни уйлаш учун тараддуд кўряпмиз. Янги иморат деярли битди.

Тўлқин СИДДИҚ,
"Халқ сўзи"нинг жамоатчи мухбири.

P.S. ***Сўнгги маълумотларга қараганда, Бахтиёрни "Пахтакор" ўз сафига қўшиб олган. У айни пайтда чемпион жамоа билан Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳрида ўқув машғулот йиғинларида иштирок этмоқда.***

«Қорбобо кубоги»

Самарқанд шаҳридаги "Динамо" теннис кортида каратэ бўйича еттинчи бор ўтказилган "Қорбобо кубоги-2002" халқаро мусобақасида республикамиз ва қўшни давлатларнинг 300 нафардан зиёд спортчиси иштирок этди. Кескин ўтган беллашувларда омад мезбонлар — самарқандликларга кулиб боқди. Тошкент вилояти каратэчилари иккинчи, қозоғистонликлар эса учинчи ўрин эгалари бўлишди.

А. САТТОРОВ.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар барча лойиҳа-тадқиқот ишларини бажарувчи ташкилотлар диққатига!

«Даврархитеккурилиш» қўмитасига қарашли пудрат савдолари (тендер)ни ташкил этиш хўжалик ҳисобидаги республика бошқармасининг

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

Андижон туманида давлат солиқ инспекцияси биноси қурилишига лойиҳачи ташкилотни

ТАНЛАШ БЎЙИЧА ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Буюртмачи: *Андижон вилояти давлат солиқ бошқармаси.*
Манзили: *Андижон шаҳри, «Олтинкўл» кўчаси, 1-уй.*

Лойиҳалаш ишларини тугаллаш муддати — 2003 йил 1-чорак.

Лойиҳалаш ишларини молиялаштириш Давлат солиқ қўмитаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Лойиҳалаш ташкилотлари ва фирмалар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: «Даврархитеккурилишқўм»нинг махсус рухсатномасига (лицензия), етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятлар ва материаллар заҳирасига, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуққа эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — пудрат савдолари (тендерлар)ни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича республика бошқармасининг Андижон вилояти филиалига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:

Андижон шаҳри, Б.Ҳакимов кўчаси, 14-«А» уй. Телефон: 24-72-79.

Таклифлар (оферталар)нинг савдо ташкилотчисига тақдим этиш охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.
Тендер савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб, 30 кундан сўнг юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

Маданият ишлари вазирлиги Юнус Ражабий уй-музейи директори, Ўзбекистон халқ ҳофизи Ҳасан Ражабийга волидан муҳтарамаси
Қумри ая МУТАЛОВАнинг
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

«Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмаси раҳбарияти «2-Автокомбинат» ОАЖ бошқаруви раиси Убайдулла Валиевга падари бузруквори
Маннап ота ВАЛИЕВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзтелерадиокомпания жамоаси Д.Зокиров номли халқ чолғулари оркестрининг концертмейстри Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Тоҳир Ражабийга волидаи муҳтарамаси
ҚУМРИ аянинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Телерадиокомпанияси республика радиосининг жамоаси Қорақалпоғистон Республикасидаги ўз мухбири Мамбетсобир Айтимовга онаси
Ойим момо САЪДУЛЛА қизининг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон меъморлар уюшмаси жамоаси уюшма аъзоси Клара Мирзаахмедовага умр йўлдоши
Ботир ИРГАШЕВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети ректорати, жамоат ташкилотлари, олий ўқув юртларнаро ўқув-методик бўлим бошлиғи, техника фанлари номзоди, доцент Рауф Яркуловга онаси
Матоб аянинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети жамоаси Ботаника, зоология ва экология кафедраси катта ўқитувчиси Баҳодир Сиддиковга падари бузруквори
Ҳабибулла ота СИДДИҚОВнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Халқ сўзи»
«Народное слово»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир
Аббосхон УСМОНОВ

Тахрир ҳайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:
Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92
Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65
Маънавият ва маърифат — 136-35-60;
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар — 136-29-89;
Фан, соғлиқни сақлаш, таълим ва туризм — 132-12-08;
Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15;
Котибият — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 71, 33553 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва А. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ.
Навбатчи муҳаррир — Ҳ. КАРИМОВ.
Навбатчи — С. ҲАЙДАРОВ.
Мусаҳҳиҳ — Ш. МАШРАББОЕВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[1] — тижорат материали.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 21. 00.
1 2 3 4 5 6